УДК 37.02

МУЛОҚОТНИНГ ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Ш.Ж. Юсупова

Мақолада мулоқотнинг шахс тараққиётидаги ўрнини белгилаш масаласи ёритилган. Мулоқот қилиш орқали одамда идрок, тафаккур, хотира, ҳиссий ҳолатлар ривожланиши мисоллар ёрдамида таҳлил этилган. Суҳбат асосидаги матн берилиб, унга ёндош сифатида бирорта грамматик топшириқни бажариш йўл-йўриқлари тавсия этилган. Шунингдек, она тили ўқитишда асосан вербал таъсирдан фойдаланилиш, сўз захирасидан қандай фойдалана олиш йўл-йўриқларини ўргатиш муваффақиятли кечиши қайд этилган.

Калит сўзлар: *мулоқот, психологик таъсир, диалог, нутқ, тафаккур, шахс.*

В статье исследуется роль общения в личностном развитии, демонстрируется развитие познания, мышления, памяти, эмоциональных состояний или, наоборот, расстройств через общение, а также анализируется использование трех средств психологического воздействия в социальной психологии. Предоставляется текст разговора, а также инструкции по выполнению грамматической задачи. В данной статье анализируется успешное использование вербального воздействия в обучении родному языку, а также использованию словарного запаса.

Ключевые слова: *общение, психологическое воздействие, диалог, речь, мышление, личность.*

Она тили ўқитишда сўзнинг грамматик ҳамда услубий жиҳатларини ўргатиш, унинг нутқ ўстиришдаги ўрни ҳақида фикр билдириш аҳамиятли. Чунки сўзда инсоннинг муносабати ҳам, ҳис-туйғулари ҳам мужассам бўлади. “Инсон қалбини инсон тушунгани учун ҳам сўз ёрдамида яралган асар абадийдир, агарда киши дилидаги дардини, орзусини куйлаган бўлса. Чунки ҳар қандай одамни ўзингга қаратишда, турмушингни қайта қуришда, атрофга маъни ва гўзаллик нурларини таратишда сўзга тенг келадиган бошқа қурол йўқ! Сен ўзингдан аввал сўзингни асра: у – гавҳар, тежаб айт, жойини топиб айт, рандалаб, шиббалаб айт, ҳар бир сўзинг бир узукка кўз бўлсин! Сен аввал ўзингни эмас, сўзингни кийинтир: одамларнинг қулоғини оғритмасин, кайфиятларига ботмасин! Мақсадга сўз билан етишни орзу қилдингми, шундай айтки, сўзингни ҳаводай симирсинлар, гул ҳидлагандай вужудлари яйрасинлар. Сўзни чайнама, минғирлама, ҳар бир ҳарфни ўз оҳанги, ранги билан тиниқ талаффуз қил!” [1. Б. 16]. Кўриниб турибдики, мазкур фикрда сўз айтишга қаратилган талаблар – оҳангдорлик, мантиқийлик, тежамкорлик, аниқлик каби тамойиллар ўз ифодасини топган.

Сўзнинг асосий вазифаси фақат ахборот алмашинувидан иборат эмас. Яъни сўзловчи сўз айтиш билан ўз майлини, муносабатини, норозилигини, ҳайратини, турли руҳий туйғуларини ҳам ифода этади. Сўз мулоқот қилувчиларнинг муносабатларини ҳаракатга келтирувчи восита ҳисобланади. Шу боис, унинг қонун-қоидаларига амал килиш талаб этилади. Сўзловчи, энг аввало, қуйидагиларга амал қилмоғи лозим: биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Ик-

кинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапираётганда, табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қиммат-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг, униб чиқмайди [2. Б. 279]. Шундай қилиб, ўқувчи шахсини ривожлантириш учун сўзни тежаб айтиш, мулоқотда маълум тартиб-қоидаларга риоя этиш мақсадга мувофиқдир.

С.М.Мўминов ўз тадқиқотида мулоқотнинг психолингвистик аспектини таҳлил қилар экан, тилнинг инсонга таъсири унинг вазифаларидан бири эканлигини таъкидлайди: “Мулоқот инсон психологияси ва физиологияси билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Чунки ҳар қандай нутқ тафаккур билан, тафаккур эса руҳият билан боғлиқдир. Танани руҳ бошқариб туради. Демак, руҳга таъсир этган ҳар қандай нарса танага ҳам таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси мулоқотнинг психофизиологик аспектини ташкил этади” [3. Б. 19–20].

Маълумки, нутқнинг умумий томонлари билан бирга хусусий томонлари ҳам мавжуд. Нутқий таъсир натижасида физиологик, психологик жиҳатлар шаклланади. Ҳар қандай нутқий жараённи амалга оширишда мақсад олдинги ўринда туради. Бу илмий тилда интенция (мақсад) номи билан аталади. Сўзловчининг онгида аввалдан шаклланиб, тартибга келтирилган нутқ ёзма нутқ ҳисобланади. Албатта, мулоқот ҳамда жонли нутқ интенцияси ёзма нутқдан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қилади. Л.Р.Раупова жонли нутқдаги интенциянинг мураккаблиги ва динамиклигини назарда тутиб, қуйидаги шаклларда бўлишини таъкидлайди:

1. Миннатдорчилик мазмунидаги интенция.
2. Узр мазмунидаги интенция.
3. Ваъда мазмунидаги интенция.
4. Тазйиқ мазмунидаги интенция.
5. Баҳсга тортишиш мазмунидаги интенция.
6. Муайянлаштириш мазмунидаги интенция.
7. Тавсифлаш мазмунидаги интенция [4. Б. 197].

Мулоқот қилишда нафақат гапириш, сўзлаш, балки эшитиш ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Бироқ эшитишнинг ўзига хос тушунишга халал берадиган бир қанча талаблари борки, уларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бунинг учун сўзни тўғри талаффуз этиш, унинг интонациясига, темпига риоя этиш талаб этилади.

Бизга аёнки, мулоқот қилиш учун нутқ аҳамиятлидир, нутқ эса тафаккур билан боғлиқ. Ҳозирда она тили ўқитишнинг асосий мақсади тафаккур ва нутқ ўстириш экан, бошланғич синфларданоқ ўқувчиларда табиат ва жамият ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш ва уларнинг ривожланиш қонуниятларига ўқувчи муносабатини таркиб топтириш зарур. Бунинг учун мулоқот қилиш – сўзлашиш методини амалиётга жорий этиш зарур. Мазкур методнинг социолингвистикага тааллуқли жиҳатлари кўп бўлиб, у маълум қонун-қоидалар асосида амалга оширилади. Ушбу қоидалар маълум талаблар асосида амалга оширилмас экан, сўзлашиш, мулоқот қилиш пала-партиш ҳолатга келади, натижада тушунарсиз фикрлар пайдо бўлади. Фикр инсон онгида шаклланади ҳамда у сўз шаклига кириб, муомала воситаси сифатида намоён бўлади. Атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш тафаккур билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Фикрлашнинг қай даражада эканлиги эса сўз воситасида, мулоқот орқали намоён бўлади.

Таълим жараёнидаги ҳар қандай мулоқотнинг ўзига хос ижтимоий-психологик шартлари мавжуд. Ана шулардан бири мулоқотдаги маълумотлар алмашинувидир. Ушбу жараёнда ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинувини

асосан уч шаклда амалга оширади: а) монолог; б) диалог; в) полилог. Мулоқотни амалга оширишда ўқитувчи диалоглардан фойдаланишни тўғри йўлга қўя олса, мулоқот маданияти сифатли йўлга қўйилган бўлади. Чунки "диалог – ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинувидан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди. Яъни, тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан унинг субъектига айланадилар" [5. Б. 202]. Фикрлар алмашинуви диалогларда, ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги мунозара, муҳокама, тортишувлар орқали реаллашади. Мулоқот самарали ва мазмунли бўлиши учун ўқувчиларнинг, аввало, тасаввурларини кенгайтириш зарур бўлади. Ўқувчилар ўз ижодий қобилиятларини намоён қилиши учун ўқитувчи уларга шароит яратиб бериши лозим. Диалогларда ўқувчи руҳиятига таъсир этиш осон кечади. Тинглаш жараёни кўпчилик инсонни фаоллаштиради. Уларни самарали мулоқотга чорлайди. Таълимни ташкил этишда жаҳон андозаларига асосланиш, ўқитишда амалий кўникмаларни ривожлантириш, яъни болаларнинг табиат ва жамият ҳақидаги билимларини ривожлантириш учун асос бўлувчи диалогли ўқитишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Унда асосий эътибор ўқувчиларга фақат ўқув предметлари асосида билим беришни эмас, балки ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга қаратилган амалий кўникмаларни ташкил этишни талаб этади. Бундай ўқитишнинг мақсади ўқувчини дунё, жамият билан суҳбатга тортиш, оламнинг сир-асрорлари билан суҳбатлаша оладиган инсонни тарбиялашдир.

Ҳозирги психологиянинг амалий татбиқида одамларни коммуникатив алоқа қилиш, мулоқот қоидаларига амал қилиш учун тўғри йўналтира олишга катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир мутахассис коммуникатив малакаларга эга бўлмагунча мақсадга эриша олмайди. Чунки инсон ўз фаолияти давомида тўғри муомала, мулоқотни амалга ошира олмас экан, унинг жамиятдаги мавқеи тўғри белгиланмайди. Барча ўқувчи-талабаларни самарали мулоқотга ўргатиш муаммоси бугунги ижтимоий психологиянинг муҳим масалаларидандир. Шундай экан, она тили ўқитиш методикасида буни қандай ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, она тили ўқитишда психологик билимларга таяниш кутилган натижани беради.

Мулоқотнинг ўзига хослиги шундаки, бир киши гапиради, иккинчиси тинглайди. Нутқни ривожлантириш учун нафақат гапиришни, балки қандай тинглашни ҳам ўрганиш муҳимдир. Аксарият ўқитувчилар она тили таълими жараёнида ўқувчининг фақат сўзамоллигига эътибор қаратадилар. Ваҳоланки, тинглашда мантиқий фикрлаш, таъсирчанлик пайдо бўлади. Машҳур америкалик нотиқ Дейл Карнеги "Яхши суҳбатдош – яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир" деганда, айнан шу қобилиятнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчи руҳиятига таъсир этади, янги ғоялар шаклланишига шароит яратади.

"Нима учун биз кўпинча яхши гапирувчи, сўзловчи бўла оламизу, яхши тингловчи бўла олмаймиз? Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш техникаси, усуллари мавжуд. Уларнинг тури ҳам кўп, лекин асосан биз кундалик ҳаётда унинг икки усулини қўллаймиз: сўзма-сўз қайтариш ва бошқача талқин этиш. Биринчиси суҳбатдош сўзларининг бир қисмини ёки яхлитлигича қайтариш орқали шерикни қўллаб-қувватлашни билдиради. Иккинчи усул эса – шеригимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни мухтасар, ўзимизнинг талқинимизда ифода этиш. Иккала усул

ҳам шерик учун муҳим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, ҳаттоки, ундаги ғояларга қарши эмаслигингизни билдиради" [6. Б. 67]. Айниқса, бу суҳбатдошлар мулоқотида, диалогда тўла намоён бўлади.

Диалогли ўқитишда мулоқот маданияти, тингловчи ва сўзловчининг тафаккури ривожланади, инсон психикасига самарали таъсир кўрсатилади. Зеро, она тили дарсларида ўқувчи тафаккури ва нутқини ўстириш, мулоқот маданиятига эга бўлган шахсни етиштириш энг аҳамиятли масала ҳисобланади. Бунинг учун ўқувчининг сўздан фойдаланиш маҳоратини ошириш, мулоқотда диалоглардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Чунки бунда фикрлаш, мантиқий тафаккур, ҳозиржавоблик, сўз захирасидан унумли фойдаланиш малакалари шаклланади.

Маълумки, ўқувчиларда бир-бирлари билан баҳсга киришиш, мулоқот усуллари бир хил эмас. Ўқувчиларда бундай лаёқатни ҳосил қилиш, ўз фикрини ифодалашга ўргатиш учун мулоқот қилиш маданиятини таркиб топтириш бошқа ўқув фанлари каби она тили ўқитишнинг ҳам муҳим муаммоларидан саналади. Эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш учун ўзига хос савол берадиган, шунга мос жавоб беришга ўргатадиган йўлни танлаш тўғри бўлади. Бундай усулдаги ўқитиш ёшлар тафаккурининг фаоллигини таъминлайди. Психолог Э.З.Усмонова таъкидлаганидек,"Ўқитувчи ўқувчига у ёки бу материални тушунтириб, материал муҳокамаси учун ўқувчини суҳбатга чорлашга ҳаракат қилиши ва, айни пайтда, ўқитувчи ўқувчига материал ҳақида ахборот бериб, уни муҳокама этишга, таҳлил қилишга ўргатиши лозим" [7. Б. 28]. Суҳбат методида амалга оширилган мулоқотда ўқувчиларнинг мулоҳаза юритиш қобилиятлари, тафаккури аниқланади ҳамда ривожлантирилади. Замонавий ўқитиш талабига кўра суҳбат вақтида қуйидаги қонуниятларга амал қилиш талаб этилади: ўқувчининг образли фикрлай олиши, ўзаро изчил боғланган саволлар бериши; фикрлар мантиқий изчилликка эга бўлиши, қизиқарли бўлиб, уларнинг ёш хусусиятлари инобатга олиниши, қайтаришлар бўлмаслиги, оҳангдорлик ва мазмундорликка эга бўлиши, шу билан бирга, мантиқий изчилликка амал қилиши даркор. Ўқувчиларни фавқулодда савол-жавобга тайёрлаш мулоҳазакорликка, ҳаётга танқидий кўз билан қарашга ўргатади. Ўқитувчи билан ўқувчи ёки ўқувчи билан ўқувчининг муайян мавзу юзасидан баҳс-мунозарага киришиши тафаккур фаоллигига хизмат қилади. Бунинг учун бериладиган саволлар: а) тушунарли ва аниқ бўлиши; б) атрофлича фикрлай олишга йўналтирилиши; в) фалсафий қонуниятлар асос қилиб олиниши; г) қисқа, аниқ жавоб талаб қилишга қаратилган бўлиши; д) жавоби "ҳа" ва "йўқ" сўзларини талаб қилмаслиги; ж) саволлар ҳаётдан олинган бўлиши; з) билим олувчиларнинг руҳияти инобатга олинган бўлиши; е) ўқувчиларнинг чуқур мулоҳазалар асосида жавоб беришлари таъминланиши керак.

Психолог Э.Ғозиевнинг таъкидлашича, суҳбат методи қўлланганда суҳбатнинг мақсади, вазифаси белгиланади, объекти ва субъекти танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади, ўрганилаётган нарса билан узвий боғлиқ савол-жавобга тайёргарлик кўрилади [8. Б. 58].

Таълимда тафаккур ўстириш, шахсни ривожлантириш ўқув-тарбия жараёни хусусидаги қарашларни ўзгартиришни, педагогик амалиётни янгича йўлга қўйишни тақозо этади. Бундай ютуққа ўқувчиларни фаоллаштириш йўли билан эришилади. Бунинг учун эса таълимга глобал таълимни олиб кириш давр талаби ҳисобланади. Бу тизимда образли фикрлаш, оламни яхлит тизим сифатида тушуниш, алоқадорлик қонунияти асосида ўқитиш, бошқалар идрок эта олмаган дунёқарашни эгаллаш, фалсафий фикрлашга асосланган суҳбатлар ташкил қилиш, ўзгаларнинг қарашлари асосида маълум бир ғояни қабул қила олиш кўникмасини шакллантириш кабилар глобал таълимнинг

асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу таълим орқали шахс ўзлигини англашга, фикрлашга, ҳамкорликда ишлашга ўргатилади. Глобал таълим ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга, фалсафий мушоҳада қилишга, турли таълим услублари орқали ахборот ва маълумотларни тўплай олиш, таҳлил этиш, ўзаро дўстона муносабатларни яратишга ёрдам беради. Бир томонлама (маъруза ўқиш ёки янги мавзу баёни), яъни “монотон” дарсларни олиб боришда образли фикрлашни амалга ошириб бўлмайди. Мустақил ва эркин фикрлаш учун эса ўқитувчи машғулотларни таъсирли, қизиқарли тарзда ташкил этиши катта маҳоратни талаб этади. Бу таълимни технологиялаш ҳисобланади. Таълим технологияси педагогик фаолиятни, дарс жараёнини ташкил этиш ва олиб боришни тўлиқ амалга оширишдир. Савол бериш ҳам санъат бўлиб, ўқитувчи буни чуқур англаши ва ўқувчиларга ҳам шундай санъатни сингдириши лозим. Теранлик билан берилган савол ўқувчиларни изланишга, тўғри жавоб топишга, хулоса чиқаришга чорлайди. Немис файласуфи В.Дистерверг ҳақиқатни шунчаки айтиб қўядиган ўқитувчини ноқобил деб атагани ҳақиқатан ҳам тўғридир. Чунки, айниқса, она тили дарсларида ўқитувчи ўқувчиларга ўз хулосаларини ягона ҳукм тарзида сингдириши мумкин эмас, балки ҳақиқатни излашга, топишга, ўз қарашлари, фикр-мулоҳазалари, эътирозларини айта олиш, ҳимоя қилишга ундаши лозим. Бунинг учун ўқувчиларни амалий фаолиятга йўналтириш, образга кириш, кичик саҳналар қўйиш, баҳс-мунозаралар уюштириш, саволлар қўя олиш, ўз фикрини эркин ифодалашга шароит яратиши керак. Ўқитувчи ўқувчини ўзи билан тенг иштирокчи, ҳамкор сифатида кўриши, фикрларини эътибор билан тинглаши, ўз фикрини якуний хулоса сифатида эмас, ўқувчилар фикри билан тенг даражада ўртага ташлаши, баҳс-мунозара юритиши муҳимдир. Чунки инсон ҳақиқатга фақат диалектик баҳс орқали эришади. Ҳақиқатан ҳам, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун мулоқотда фалсафий савол ҳамда фалсафий жавоб бўлиши зарурдир. Чунки бундай ҳолатни ташкил этиш реал ҳаётни англаб етишга олиб келади. Фалсафий савол ва жавобларни кўриб чиқишда қуйидаги тўртта омилнинг мавжудлигини англаб етиш зарур:

1. Савол
2. Жавоб
3. Асос(лар)
4. Оқибат(лар)

Уларнинг ичида энг муҳими жавобдир. [9. Б. 22].

Чунки жавоб фақат учта омилни англаганда идрок этилиши мумкин. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, мантиқ қонунларига амал қилган ҳолда ўқувчиларни топшириқларни бажартиришга ўргатиш тафаккур ва нутқ ўстиришга ёрдам беради, ўқувчи шахси ривожланади. Жумладан, суҳбат асосидаги матн берилиб, унга ёндош сифатида бирорта грамматик топшириқ ҳам берилади: Матн таркибидаги тиниш белгиларини топинг. У нима учун ишлатилаётганини изоҳлаб беринг. Намунадан фойдаланиб, Сиз ҳам устозингиз билан ёки жуфтликда ана шундай мулоқотни амалга оширинг. Суҳбат мавзуси ақл, илм, одоб, ватан, мардлик, шижоат ҳақида бўлсин. У қуйидагича бўлиши мумкин:

Дедим:

- Айтинг-чи, устоз, фалакнинг гардиши билан қайта дунёга келсангиз, тағин шу умр йўлини танлармидингиз?

Дедилар:

- Ҳа, шу йўлдан борардим, аммо хатоларимни такрорламаслик пайида бўлардим .

Дедим:

- Хатоларингиз кўпми, сирми?

Дедилар:

- Умрим давомида кам билим олганим, кўпроқ ҳунар ўрганмаганим, устувор заковатга эришмаганим менинг хатоларимдир.

Дедим:

- Киши билимли, ҳунарли, заковатли бўлса, нималарга эришади?

Дедилар:

- Омад уларга икки қўлини чўзган гўдакдек талпинади.

Дедим:

- Сиз бундай кишиларга не мурувват ва саховатларни раво кўрардингиз?

Дедилар:

- Ихтиёр менда бўлса, меҳримни қуёшга қўшиб берардим.

Дедим:

- Минбарга кўтарилаётган кишига нима дейишни истардингиз?

Дедилар:

- Сен роҳиб эмассан, нотиқсан – юрагингни оч!

Дедим:

- Инсон фарзанди учун энг муҳими билимми, ҳунарми ёки заковатми?

Дедилар:

- Энг муҳими – ақл!

Дедим:

- Наҳотки ақл ҳаммасидан устун ва бирламчи бўлса?

Дедилар:

- Илло, шундай.

Дедим:

- Энди ақлга эришиш йўлларини айтинг.

Дедилар:

- Табиат ва жамият ҳар бир кишига озми кўпми заковат уруғини ато этади. Уни авайлаб ундириш, вояга етказиш бандасининг ўзига боғлиқдир .

Дедим:

- Ақллиликнинг бош белгилари недур?

Дедилар:

- Киши ақлли бўла борган сари одамлардаги бу хислатни кўпроқ илғайди ва қадрлайди. Кўп нарсага ақли етган киши кўп нарсани кечира билади.

Дедим:

- Тағин-чи?

Дедилар:

- Хокисор ва камтарин бўлади.

Дедим:

- Хокисорлик ўз қадрини ерга уриш эмасми?

Дедилар:

- Фақат кибор ва манман наздида шундай.

Дедим:

- Ғурурга ўхшаш жоҳиллик недур?

Дедилар:

- Жаҳл!

Дедим:

- Баландликка ўхшаш пастлик недур?

Дедилар:

- Манманлик!... [10. Б. 38–40].

Кўриниб турибдики, суҳбат ўтказиш учун фақат гапиришгина аҳамиятли бўлмасдан, тинглаш, жавоб айтиш ҳам аҳамиятлидир. Тинглаш ҳамда жавоб бериш фаолияти гапирувчининг фаолияти таъсирида юзага келадиган жараёндир. Шунинг учун нутқ тингловчи томонидан тўғри идрок қилиниши шарт. Чунки фикр айтаётган шахснинг ўзига хос хусусиятлари: талаффузи, фикрлай олиши, нутқий маҳорати, суҳбатга муносабати, далиллар келтира олиши, мантиқий қонунларга амал қилиши кабилар тафаккур ўсиши учун меъёр ҳисобланади.

Юқоридагидек мулоқотни амалга ошириш учун ўқитувчи ўқувчиларга тайёргарлик учун вақт беради. Сўнгра жараённи амалга ошириш билан шуғулланади. Зеро, мулоқотда мантиқ қонунларига амал қилиш, уни тўғри йўлга қўйиш тафаккур ўстиришнинг омили ҳисобланади.

Ж.Туленов ўзининг “Диалектика назарияси” асарида диалектик фикрлаш ўзига хос бир қатор тамойил, қонун-қоидаларга асосланиши ва уларга қатъий риоя этиш лозимлигини таъкидлаган. Мулоқотда диалектик тафаккурни амалга ошириш оламдаги ҳар қандай нарса ёки ҳодисани ўрганиш, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олишни талаб этади. Назарий билим эса ўрганилаётган нарсанинг бир неча хил муносабатда бўлишини кўрсатиб беради. Бундай фикрлашда, мулоқот қилишда фикр-

лар ранг-баранглиги рўй беради. Оламни англашда диалектик қонунларни эътиборга олиш, уларнинг талабларига мос равишда мулоқот қилиш, фикрлаш ва амал қилиш муҳим методологик аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, тафаккури ривожланган инсон муаммоларни ҳал қилиш учун жавоб излайди, мулоқот қилишнинг турли усул ва йўлларини излаб топади, ўз жавобига ишонтиришга ҳаракат қилади, атрофида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, фикр билдира олади, ўзгача фикр юрита олади, билим олишга эҳтиёж сезади.

Демак, она тили дарсларини ўқитишда мулоқот қоидаларини тўғри амалга ошириш ўқувчиларда назарий ва амалий тафаккурни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга молик иш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тафаккур ривожланиши учун мулоқот усулига эътибор қаратиш, яъни ўқувчиларни бирор мавзу бўйича мулоқотга жалб қилиб, унинг мазмунини таҳлил қилишга ўргатиш мантиқий фикрлаш қонунларига амал қилишни талаб этади. Зотан, мулоқотда бирор муаммони тўғри ҳал этишга одатлантириш она тили ўқитиш методикаси олдида турган асосий вазифалардан биридир. Шунинг учун бугунги таълим методист ўқитувчилардан ўқувчини мулоқот қилишга одатлантирувчи талабларни таъминлайдиган ижодий усулларни, мантиқий фикрлашга йўналтирилган дарс лойиҳаларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Мулоқотда диалогли ўқитишнинг аҳамияти, унинг ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритилар экан, қуйидаги жиҳатлар ўзбек тили дарсининг самарадорлигини таъминлашига ишонч ҳосил қилдик: а) суҳбатдошлар битта мавзу асосида суҳбатлашади; б) режалаштирилмаган, тайёргарлик кўрилмаган нутқ (адресат) пайдо бўлади; в) коммуникантларнинг нутқи мантиқий жиҳатдан бири иккинчисини тақозо этади; г) фикр ва тафаккур тарзи ривожланади; д) коммуникантлар янги маълумотларга эга бўлади; ж) ўқувчи дарсда фаол иштирок этади; з) мантиқий фикрлаш амалга оширилади, мулоқот маданияти ривожланади, е) ўқувчиларнинг компетенциявий билимлари тўғри амалга ошади.

Шуни таъкидлаш лозимки, она тили ўқитишда ўқувчини фақат гапиришга ўргатишгина эмас, балки мулоқот қила олиш қобилиятини ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Мулоқотда гапираётган одам гўёки етакчидек туюлади. Аслини олганда, тинглаётган одам маънонинг мағзини чақа олади, яхши диалогдан фақат яхши, фойдали маълумот олади. Шунинг учун ҳам мулоқотга ўргатишнинг самарали йўналишларидан бири – ўқувчини яхши тинглашга ўргатишдир. Чунки тинглашда мантиқ, сўз ва гапнинг маъносини чақиш каби хислатлар таркиб топади. Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёнида тасаввур ҳосил бўлади, идрок фаоллашади. Шундай экан, тинглаш ҳам унчалик пассив жараён бўлмай, унинг мулоқот самарали кечишидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади. Зеро, мулоқот жараёнига ўқувчиларни ҳар томонлама тайёрлаш, бунинг учун уларнинг зарур коммуникатив компетенцияларини махсус дастурлар, тавсияномалар асосида билимдонлигини ривожлантириш кутилган натижани беради.

Адабиётлар:

1. *Содиқова Т.* Иқбол: Шеърлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – 29 б.

2. *Ҳусайн Воиз Кошифий.* Комил инсон ҳақида тўрт рисола // Китобда: Футувватномаи султоний / Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 280 б.

3. *Мўминов С.М.* Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.

4. *Раупова Л.* Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол.фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2012. – 220 б.

5. *Каримова В.М., Акрамова Ф.А., Ҳайитов. О.Э., Лутфуллаева Н.Х.* Психология: Нопедагогик ва нопсихологик олий ўқув юрти талабалари учун Дарслик. / Проф. В.М.Каримованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДИУ, 2010. – 360 б.

6. *Каримова В.М.* Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. – Тошкент: Университет, 1999. – 96 б.

7. *Усмонова Э.З.* Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? // Педагогика ва ёш психология, 2000. – № 1. – Б. 28–35.

8. *Ғозиев Э.* Тафаккур психологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 183 б.

9. *Скирбекк Г., Гилье Н.* Фалсафа тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 720 б.

10. *Юсупова Ш.* Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг фалсафий асослари. – Тошкент: Фан, 2004. – 164 б.

THE ROLE OF COMMUNICATION IN PERSONAL DEVELOPMENT

Sh.J. Yusupova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Series: Pedagogical Research. 2021. 2(54). 5–13.

[1]Andijan State Universiry, Andijan, 170100, str. Universitet, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: communication, psychological influence, dialogue, listening, speech, thinking, mother tongue, teaching, reader, emotional, personality.

This article studies the role of communication in the development of the individual. The development of perception, thinking, memory, emotional states in a person through communication or, conversely, the disorder is demonstrated using examples. Since it is necessary to teach students the rules of speech, etiquette and culture of communication in the methodology, it is worthwhile to study the psycholinguistic aspect of communication. The article analyzes the use of three means of psychological influence in social psychology, as well as the success of teaching how to use vocabulary. It has been proved by examples that reliance on psychological knowledge in mother tongue teaching gives the expected results.

The difference between oral speech intention and written speech intention is also highlighted in the article supported by the views of the psycholinguists. The main aim of the conversation is considered to be influencing the partner in the conversation. Psychological influence is described as the ability to influence people's thoughts, feelings, and behaviors through a variety of means. Three main means of psychological influence in socal psychology are mentioned in the article. They are: verbal influence, paralinguistic influence, and nonverbal influence. The most active of these is the verbal effect, which is the effect we exert through our words and speech. In both monologue and dialogic speech, a person uses all of his or her vocabulary to find the most impressive words and communicate.

Implementation of global education into education system is seen as of vital importance of present day requirements in the article. In this system, figurative thinking, understanding the world as a whole system, teaching according to the laws of relativity, acquiring a worldview that others cannot understand, organizing conversations based on philosophical thinking, developing the ability to accept a certain idea based on other people's views are the main goals of global education. Through this education, an individual is taught to understand himself, to think, to work collaboratively. Global education helps in the formation of students' independent thinking skills, philosophical observation, the ability to gather and analyze information and data through various teaching methods, to build a friendly relationship.

In the learning process, it is important not only to inform about the specifics of communication, but also to teach listening. Because while listening critical thinking and expressiveness is created. In this work, it is argued that looking at thinking as a dialogue creates great opportunities for the development of cognitive activity of the dialogue partners. Issues of preparing students for emergency question and answer, the student's ability to think figuratively, to be asked questions that are interconnected; that ideas need to be logically consistent, interesting, and that their age characteristics need to be taken into account, and that logical consistency needs to be met are explained in the present article.

References:

1. Sodiqova, T. (1984) Iqbol: She'rlar [Iqbal: Poems]. Tashkent: Yosh gvardiya.

2. Hussein Waz Kashifi.(1997) Komil inson haqida to‘rt risola [Four manuscript about the perfect man]. In: Futuvvatnomai sultoniy [Futuvvatnomai sultan]. Translated from Persian-Tajik by N.Kamilov. Tashkent: Ma'naviyat.

3. Mo'minov, S.M. (2000) O‘zbek muloqot xulqining ijtimoiy-lisoniy xususiyatlari [Socio-linguistic features of Uzbek communication behavior]. Abstract of Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

4. Raupova, L.R.(2012) Dialogik diskursdagi polipredikativ birliklarning sotsiopragmatik tadqiqi [Sociopragmatic study of polypredicative units in dialogic discourse]. The dissertation for Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

5. Karimova, V.M., Akramova, F.A. (et.al.) (2006) Psixologiya [Psychology: Textbook]. Tashkent: TDIU.

6. Karimova, V.M.(1999) Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot [Social psychology and social practice]. Tashkent: Universitet.

7. Usmonova, E.Z. (2000) O‘quvchilarda mustaqil tafakkurni qanday shakllantirish mumkin? [How to form independent thinking in students?]. Pedagogika va yosh psixologiya. No 1. Pp.28-32.

8. G'oziev, E. (1990) Tafakkur psixologiyasi [Psychology of thinking]. Tashkent: O‘qituvchi.

9. Skirbekk, G., Gile, N. (2002) Falsafa tarixi [History of Philosophy]. Tashkent: Sharq.

10.Yusupova, Sh. (2004) Hozirgi o‘zbek adabiy tili darslarida o‘quvchilar tafakkurini o‘stirishning falsafiy asoslari [Philosophical foundations of developing students' thinking at modern Uzbek literary language lessons.]. Tashkent: Fan.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Юсупова Шоҳидахон Жалолиддиновна – педагогика фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори.